

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ



ҚАРАҚАЛПАҚСТАН
РЕСПУБЛИКАСЫ
МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ
ҚАРАРЫ

Нужное шари

Нөкис қаласы

№ 213

« 5 » апрель 2017 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги «Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг худудий комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 175-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 8 февралдаги ПҚ-2761-сон қарорига мувофиқ ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг жамиятда аҳолининг хуқуқий онгини ҳамда маданиятини янада оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган хуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги «Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш ва унинг худудий комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 175-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори билан:

Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаши ва унинг худудий комиссиялари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаши ва унинг худудий комиссияларига бир ой муддатда ўз регламентини тасдиқлаш топширилганлиги;

Обш.

Вазирлар Маҳкамасининг «Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2012 йил 23 июлдаги 226-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2012 й., 30-сон, 349-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро худудий комиссияси (Ж.Садыков) бир ой муддатда комиссия регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2012 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 июлдаги «Хуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида» 219-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.А.Жуманов, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири Ж.Садыков зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Қ.Сариев